

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**  
РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ  
МАРКАЗИ

Рўйхатга олинди:  
№ УМО-331  
2022 йил «9» декабрь

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
08-38296-сонли топшириқ хати  
2022 йил «\_2» декабрь

**Билимлар соҳаси: Соғлиқни сақлаш**

**“БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ТИЗИМИ ТИББИЁТ**  
**БРИГАДАСИНИНГ ДОЯСИ”**

малака ошириш  
ўқув дастури

(ўқиш ҳажми – 144редит)



Тошкент – 2022 йил

**ТУЗУВЧИЛАР:**

Л.Х.Мусаджанова Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори. профессор, т.ф.д.

Р.К.Салиходжаева ТХКМРМ, "Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари" кафедраси мудири, т.ф.н. доцент.

С.И.Адилова Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқитувчиси.

У.Б.Эргашева Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқитувчиси

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Н.З.Азимова Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Г.М.Нигматова Тошкент тиббиёт академияси "Акушерлик ва гинекология" кафедраси доценти, т.ф.н

Д.А.Сагатова Олмазор тумани 18 ОП бош шифокори

Ўқув дастури Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Педагогик кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди

«7» декабрь 2022й.

баённома № 5/1



Педагогик кенгаш раиси

Л.Х.Мусаджонова

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш марказининг Мувофиқлаштирувчи кенгашида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20.....й.

баённома № \_\_\_\_

## Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва патронажнинг самарали моделларини жорий этиш ҳамда тиббий хизмат самарадорлиги, сифати, қамровини ошириш учун асос бўлиб келмоқда. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликлар профилактикаси соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикада тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қўламини янада кенгайтириш, тиббий хизматни самарали йўлга қўйиш, бирламчи тиббий-санитар ёрдам муассасаларида ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, тўғри овқатланиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладорларга бирламчи тиббий-санитар ёрдам муассасаларида юқори малакали антенатал парвариш кўрсатиш - ҳомиладорларни эрта диспансер кузатувиغا олиниши ва уйда патронаж ташрифлари сифатини янада такомиллаштириш мақсадида патронаж дояларини ўқитиш белгиланди.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сон Қарор 4-банди, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022йил 2 декабрь 08-38296 сонли “Бирламчи тиббий санитария тизими тиббиёт бригадасининг доя”ларини тайёрлаш ва малакасини ошириш топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида тиббий бригада дояларини ўқитиш учун тайёрланди. Ушбу дастурни тайёрлашда ЖССТ ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари томонидан тақдим этилган БТСТ муассасаларида оналар ва болаларга универсал-прогрессив модели бўйича хизмат кўрсатиш, йўриқномалардан, тавсия этилган материаллардан фойдаланилди.

### 1.1 Мақсад:

Ўқиш натижасида патронаж доясининг мавжуд компетенцияларини такомиллаштириш ва касбий фаолият учун зарур янги билим ва қўникмаларни эгаллаш, касбий даражасини ошириш. Амалиётда профилактиканинг универсал моделидан фойдаланган ҳолда унга мос равишда ўзининг касбий интилишларини ривожлантириш. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий-санитар тизими муассасаларида юқори малакали антенатал парвариш кўрсатиш.

### 1.2. Вазифалар:

- амалиётда соғлиқни сақлаш бўйича асосий қонунларни, амалдаги директив ҳужжатларни ҳамшираларни иш фаолиятида қўллай билишни ўргатиш;
- патронаж хизматини универсал прогрессив модел асосида ташкиллаштириш;
- оналар ва болаларга касалликларни олдини олиш бўйича патронаж хизматини кўрсатишни ўргатиш;
- тиббиёт бригадаларни таркиби, мақсади ва вазифаларини таништириш;

- ҳомиладор аёлларни тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали кўп тарқалган касалликларни олдини олишга ўргатиш;
- ўз худуди аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланиш, микронутриентларни қабул қилиш, чекиш ва алкоголь истеъмол қилишнинг зарари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини ўтказиш;
  - тиббий кўрик ва даврий кузатувлар муддатларни, мақсадли скрининг, кўриклар ва хонадон патронаж тизимини ўргатиш;
  - ОШ/оилавий шифокор билан биргаликда ҳомиладорларни олиб бориш;
  - аёлларда ҳомиладорликни эрта муддатда аниқлаб, ҳисобга олиш учун БТСТ муассасасига ташрифини таъминлаш;
  - антропометрик ўлчов, текширув кўникмаларини шакллантириш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
  - ҳомиладорлар ва туғруқдан кейинги даврдаги аёлларга ташриф жадвали бўйича режали равишда ёки чақириқ асосида уйда патронаж ёрдамни кўрсатиш;
  - ҳомиладор аёлни даволаниш ёки туғиш учун шифохонага ётқизиш ҳақида маълумотларни ОШ/оилавий врач учун олишни таъминлаш;
  - аёлнинг туғруқдан кейинги (40 кундан сўнг) даврда БТСЁ муассасасига ташрифини таъминлаш, контрацепция воситаларининг қўлланилиши бўйича маслаҳат бериш;
  - оилавий акушерка хонадонларга ташрифи давомида оналар ва болалар саломатлиги ҳолати бўйича билим ҳамда кўникмаларни тақдим этиши, болани парвариш қилиш борасида маълумотлар бериши.

### **1.3. Таълим олувчилар тоифаси (контингенти):**

Ўқув дастури бирламчи тиббий – санитария ёрдами муассасаларида тиббий бригада дояси малакавий тавсифномаси ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ, яъни мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжати бўлган тиббиёт ҳамширалари, умумий амалиёт акушеркалари, фельдшерлар учун мўлжалланган.

### **1.4. Ўқув дастурни ўзлаштира олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси:**

- тиббий этика ва деонтологияни амалда қўллай оладиган, шахслараро мулоқот кўникмалари асосларини тушунган етук мутахассис бўлиши;
- тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларини амалга ошириши;
- ўрта тиббиёт ходимининг ҳуқуқий меъёрлари, бемор ҳуқуқлари, розилиги, рад этиши, беморларнинг ёшига нисбатан хусусиятларини билиши;
- аҳолига патронаж хизматини ташкил этишдаги директив ҳужжатларни ўрганиш ва меъёрий ҳужжатларни юритишни билиши;
- тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларига эга бўлиши;
- саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш тамойилларини билиши;
- электрон таълим ресурсларидан фойдаланишни билиши;
- мутахассислиги бўйича чуқур ва янгиланган тўлиқ назарий ва амалий билимларга эга бўлган, узлуксиз ўз малакасини оширишга тайёр бўлган, ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган, аҳоли саломатлигини сақлаш

ва ижтимоий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда патронаж фаолиятини амалга ошириш;

### **1.5. Дастурнинг долзарблиги:**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сон Қарор 4-банди, ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022йил 2 декабрь 08-38296 сонли “Бирламчи тиббий санитария тизими тиббиёт бригадасининг доя”ларини тайёрлаш ва малакасини ошириш топшириқ хати ижросини таъминлаш мақсадида тиббий бригада дояларини ўқитиш учун яратилди. Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайитиришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш, хусусан, аёл ва боланинг ҳаётига таҳдид солаётган хавфли белгилар, овқатланиш ва эмлаш масалалари бўйича хавф омилларини аниқлаш, шошилиш ёрдамни кўрсатиш ёки шифокорга йўллаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича тингловчилар билимларини янгилаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Дастурни тайёрлашда ЖССТ, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари томонидан тақдим этилган материаллардан фойдаланилди.

**1.6. Дастур ҳажми:** 144 кредит (кунига 6 кредит, ҳафтада 36 кредит).

### **1.7. Ўқиш шакли:**

- кундузги - ўқиш ишдан ажралган ҳолда
- on/offline, масофавий – анъанавий ўқиш ишдан ажралган/ ажралмаган ҳолда.

**1.8. Машғулотларни ўтиш тартиби:** Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги” 160-буйруғи ва марказнинг ички тартиб-қоидалари асосида режалаштирилади ва амалга оширилади. Машғулотлар 9<sup>00</sup> да бошланиб, 13<sup>40</sup> да тамом бўлади. Тушлик - 30 дақиқа.

Кунига 6 кредитдан, ҳафтасига 36 кредит, 4 ҳафтада 144 кредит. Машғулотлар мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда ўтказилиши мумкин.

**1.9. Ўқиш тугагандан сўнг бериладиган ҳужжат:** ўқув курсни тўлиқ ўзлаштирган ва якуний аттестацияни топширган тингловчиларга “Бирламчи тиббий санитария тизими тиббиёт бригадасининг дояси”курси бўйича умумий малака оширганлиги ҳақида Давлат талаблари намунасидаги сертификат тақдим этилади.

## **2. РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИ**

### **2.1. Режалаштириладиган таълим (натижалари)дан сўнг тингловчи компетенцияси:**

- ҳамкасблар, ҳамширалар ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва қариндошлар билан мулоқотда тиббий фаолиятнинг ахлоқий ва деонтологик жиҳатларини амалга оширишга тайёрлиги ва амалга ошириши;
- шахсий компьютер технологиялари, турли манбалардан маълумот олиш, интернет тармоқларида маълумотлар билан ишлаш;

- касбий муаммоларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан фойдаланиш;
- тиббий-ижтимоий ва ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш, келишмовчиликларни ҳал этиш, ҳамкасабалар, мижозлар ва уларнинг яқинлари билан тўғри мулоқот қилиш;
- оналар ва болалар соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш доирасида аҳоли орасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, касаллик ривожланишининг олдини олиш борасида профилактик санитария тарғибот тадбирларни олиб бориш;
- ҳомиладор аёлларни эрта муддатда аниқлаб, ҳисобга олиш учун БТСЁ муассасасига ташрифини таъминлаш;
- ҳомиладор аёллар орасида тўғри овқатланишни тарғиб қилиш, микронутриентларни қабул қилиш;
- зарарли одатларга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, чекиш ва алкоголь истеъмол қилишнинг зарари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини ўтказиш;
- оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш;
- ҳомиладорлар уй варақаси (ХУВ) ҳомиладор аёл ва унинг оила аъзоларини ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврнинг кечишини кузатиш, ҳомиладорликнинг физиологик кечишдан четга чиқишини ўз вақтида аниқлаш ва тиббий ёрдам учун мурожаат қилиш жараёнига жалб этиш;
- ҳомиладорлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғломлаштириш, профилактикаси асосларини касалликни эрта ва яширин турларини, ҳавф омилларини аниқлаш учун замонавий бирламчи, икламчи профилактик ишларни амалга ошириш;
- антропометрия ўтказиш, тана вазни индексини аниқлаш ва мониторингини олиб бориш;
- ҳомиладорликнинг барча даврларида камқонликни олдини олиш, маслаҳат бериш;
- ҳомиладор аёлни даволаниш ёки туғиш учун шифохонага ётқизиш ҳақида маълумотларни оилавий шифокор учун олишни таъминлаш;
- ҳомиладорлар ва туғруқдан кейинги даврдаги аёлларга ташриф жадвали бўйича режали равишда ёки чақириқ асосида уйда патронаж ёрдамни кўрсатиш;
- касаллик эрта ва яширин турларини, ҳавф омилларини аниқлаш учун замонавий профилактик ишларни амалга оширишдаги касбий кўникмалари мустаҳкамланади;
- аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС, ЖЙОЮК, рақ олди ва рақ касалликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштириш;
- ўсмир қизлар орасида даврий эмлаш ўтказишда маслаҳат бериш;
- контрацепция масаласини ҳал қилиш учун аёлнинг туғруқдан кейинги даврда БТСЁ муассасасига ташрифини таъминлаш;
- замонавий контрацепция воситаларини қўлланиши бўйича маслаҳатлар бериш;

- бириктирилган аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни олдини олиш ва парваришлаш бўйича сифатли тиббий хизмат кўрсатишдаги касбий кўникмаларини такомиллаштириш.

### 3. ДАСТУР МАЗМУНИ

Ҳомиладорлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, аҳолининг тиббий ва валеологик билимини ошириш, ўз саломатлигига жавобгарликни ошириш, мақсадли гуруҳларда соғлом турмуш тарзи тамойилларига асосланиб суҳбатлар ўтказиш, касалликларни профилактикасини амалга ошириш усулларини тингловчиларга етказиш. Аҳоли орасида юқумли ва юқумсиз касалликларнинг хавф омилларини аниқлаш, чекиш ва алкогольга қарши кураш чора-тадбирларини, шу билан бирга клиник протоколлар асосида юқумсиз касалликларни интеграллашган усулда олиб бориш, аҳоли саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб патронаж хизматини ташкил этишда доянинг вазифалари, универсал патронаж дастурини самарали қўллаш, ўрта тиббиёт ходимининг этика ва деонтологияси билим ва кўникмаларини шакллантириш. Қисқа муддатли аралашувларда консультациялар ўтказишда ва замонавий ташхислаш усулларидан фойдаланишда компьютер технологиясидан фойдаланиш, санитар эпидемиологик қоидалар, юқумли касалликлар ўчоғида олиб бориладиган чора тадбирлар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган, зарур ҳолатларда беморларга кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатиш ҳақида алоҳида модулар киритилган.

#### 3.1. “Бирламчи тиббий санитария тизими тиббиёт бригадасининг дояси” курси ўқув режаси

№	Модуль ва мавзулар номи	Кредит	Аудитория машғулоти		Семинар	Аттестация
			Назарий машғулоти	Амалий машғулоти		
1	<b>Модуль. Тиббиёт соҳасида ахборот коммуникацион технологиялар</b>	12	4	8		
1.1	Замонавий ахборот технологияларининг тиббиёт соҳасидаги ўрни ва аҳамияти.	2	2			
1.2	Офис дастурлари билан танишиш ва соҳага оид ҳужжатлар тайёрлаш.	2		2		
1.3	Интернет тармоғида ишлаш, ахборот қидириш ва жойлаш.	2		2		
1.4	Замонавий диагностика усулларидан фойдаланишда компьютер технологиясини қўллаш	2	2			
1.5	Маълумотлар базасидан фойдаланиш.	2		2		

1.6	Электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш.	2		2		
<b>2.</b>	<b>Модуль. Санитария-эпидемиологик тартиб меъёрлари.</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>2</b>		
2.1	Санитария-эпидемиология соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар	2	2	-		
2.2	Бирламчи тиббий санитария тизими муассасаларида дезинфекция ишларини ташкил этиш.	2		2		
2.3	Хонадон гигиенаси (дезинфекция, дезинсекция, дератизация)	2	2			
<b>3.</b>	<b>Модуль. Бирламчи- тиббий санитария тизими муассасаларида патронаж дояси ишини ташкил этиш.</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	<b>6</b>		
3.1	Соғлиқни сақлаш тизимидаги меъёрий ҳужжатлар	2	2			
3.2.	Тиббиёт бригадаларни таркиби, мақсади ва вазифалари.	2	2			
3.3.	Тиббий бригада доясининг функционал вазифалари.	2		2		
3.4.	Самарали мулоқот кўникмалари.	2		2		
3.5.	Тиббий ҳужжатлар билан ишлаш.	2		2		
3.6.	Патронаж дояси иш фаолиятининг сифат мониторинги.	2	2			
<b>4</b>	<b>Модуль. БТСЁ муассасаларида оналар ва болаларга универсал-прогрессив модели бўйича хизмат кўрсатиш.</b>	<b>30</b>	<b>10</b>	<b>20</b>		
4.1	Универсал прогрессив моделини амалиётга тадбиқ этиш.	2	2			
4.2	Тиббий кўрик ва даврий кузатувлар ,мақсадли скрининг ва антропометрик ўлчовларни ўтказиш.	4		4		
4.3	Ўсмир қизларда ёшига хос хусусиятлари.	2	2			
4.4	Ўсмир қизлар гигиенаси.	2		2		
4.5	Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари.Никоҳдан аввалги тиббий кўриқни ўтказиш.	2		2		
4.6	Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар.	2	2			
4.7	Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар аниқланганда ёрдам бериш.	2		2		
4.8	Ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар бериш.	2		2		

4.9	Ҳомиладор аёлдаги психологик ўзгаришлар. Ҳомиладорлик депрессияси.	2	2			
4.10	Ҳомиладорлик депрессияси аниқланганда ёрдам бериш	2		2		
4.11	Ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини аниқлаш, ёрдам бериш.	2		2		
4.12	Ҳомиладор аёлда хавф омилларини аниқлаш.	2		2		
4.13	Ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш.	2	2			
4.14	Ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатиш.	2		2		
<b>5</b>	<b>Модуль. Репродуктив саломатлик ва беҳатар оналик тамойили</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	
5.1	Репродуктив саломатлик ва беҳатар оналик масалалари.	2	2			
5.2	Ҳомиладор аёлни даврий тиббий текширувларга тайёрлаш.	2		2		
5.3	Ҳомиладор аёлда тиббий текширувларни олиб бориш.	2		2		
5.4	Ҳомиладор аёлни туғруққа психопрофилактик тайёрлашни аҳамияти	2	2			
5.5	Ҳомиладор аёлни туғруққа психопрофилактик тайёрлаш	4			4	
5.6	“Оналар мактаби”ни ташкил қилиш ва унинг аҳамияти.	2	2			
5.7	“Оналар мактаби”да патронаж доясининг фаолияти.	4		4		
<b>6</b>	<b>Модуль. Оила, чилла давридаги аёл ва янги туғилган чақалоқлар парвариши</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>		
6.1	Туғруқдан кейинги давр. Зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи белгилар.	2	2			
6.2	Бола ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлаш ва ёрдам бериш.	4		4		
6.3	Кўкрак сутининг аҳамияти ва унинг афзалликлари.	2	2			
6.4	Истисносиз кўкрак сути билан эмизишнинг муаммоларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш.6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизиш.	4		4		
6.5	Перинатал инфекцияларнинг чақалоққа таъсири,сабаблари, белгилари,	2	2			
6.6	Муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг терморегуляцияси.Иситиш ва овқатлантириш усуллари.	4		4		

7	<b>Модуль. Замонавий контрацепция воситалари.</b>	<b>24</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	
7.1	Контрацепциянинг замонавий усуллари, қўлланилиши. Аёл ёшига қараб контрацепция усуллари танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш.	2	2			
7.2	Ўсмирлар контрацепцияси.	4			4	
7.3	Гормонал контрацепция, турлари. танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш.	2	2			
7.4	Лактацион аменорея усули, афзалликлари.	4		4		
7.5	Тўсиқли ва кимёвий усулларни қўллаш.	2	2			
7.6	БИВ, турлари. БИВ қўйиш учун аёлни ва асбоб-анжомларни тайёрлаш.	2		2		
7.7	БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш.	2		2		
7.8	ИЖК усули бўйича маслаҳат олиб бориш.	2	2			
7.9	Замонавий контрацепция воситаларини қўллашда меъёрий ҳужжатларни юритиш.	4		4		
8	<b>Модуль. Аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар ва акушерлик парваришини олиб бориш.</b>	<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>		
8.1	Аёллар жинсий аъзоларини яллиғланиш касалликлари, сабаблари, клиникаси. Носпецифик ва специфик инфекциялар	2	2			
8.2	Аёллар жинсий аъзоларини яллиғланиш касалликларида маҳаллий даволаш усуллари ўтказиш.	4		4		
8.3	Ҳайз циклини бузилишлари. Аменорея турлари, келиб чиқиш сабаблари	2	2			
8.4	Климактерик даврда аёл организмида рўй берадиган ўзгаришлар, аёлни парвариш қилиш	4		4		
8.5	Аёл жинсий аъзолари рақ олди ва фон ҳолатлари.	2	2			
8.6	Аёллар жинсий аъзолари хавfli ва хавфсиз ўсма касалликларини эрта аниқлаш ва олдини олиш.	4		4		
	<b>Аттестация</b>	<b>6</b>				<b>6</b>
	<b>Жами:</b>	<b>144</b>	<b>50</b>	<b>80</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## 1.Модуль. Тиббиёт соҳасида ахборот коммуникацион технологиялар

<b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b>	<b>12 кредит</b>
<b>Ўқув модули мазмуни:</b>	<p>Тиббиёт соҳасида компьютер технологияларидан фойдаланишдаги назарий ва амалий билимларни эгаллаш, тиббий статистик маълумотларни тўғри таҳлил қилиш, таҳлил қилинган натижалардан келиб чиққан ҳолда касалликнинг олдини олиш ёки даволаш йўллари аниқлаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида асосий амалий кўникмаларга эга бўлиш.</p> <p>Интернет тармоғида ишлаш, ахборот қидириш ва улардан фойдаланиш, тиббиёт ахборот тизимлари хусусиятлари, маълумотлар базасини ташкил этиш, эксперт тизимлари ва ахборот хавфсизлиги асосларини билиши керак. “Тиббиёт информатикаси асослари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тиббиёт информатикаси асослари, тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги;</li> <li>- ахборот тушунчалари ва турлари. Тиббиёт масаларини ечишда информатиканинг ўрни;</li> </ul> <p>ҳозирги замонда информатиканинг ўрни ва роли, маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш</p>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Компьютерга ахборот киритиш ва ахборот олиш қоидаларини, компьютерни тузилиши тўғрисида қисқача маълумотни, Тиббиётда замонавий ахборот коммуникацион технологиялари билан ишлаш</li> <li>• Ахборотларга ишлов бериш, киритиш ва чиқариш қурилмалари ва уларнинг тавсифи.</li> <li>• Тиббиётда алоқа ва коммуникация воситалари.</li> <li>• Тиббиёт ходимлари учун планшетлардан фойдаланиб, <i>online</i>-регистрация қилиш ҳақида билиш ва улардан фойдалана олиши;</li> </ul>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• компьютер техникаси билан ишлашда техника хавфсизлиги;</li> <li>• амалий дастурлар билан ишлашни;</li> <li>• маълумотлар базаси яратишни, улар устида ишлашни ва дастурли таъминотни</li> <li>• дастурлаш асослари ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак;</li> <li>• компьютер график усулларини билиш ва фойдалана олиш;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тиббий ахборотлар алмашинуви ва уни излашда интернет тармоғида ишлаш;</li> <li>• электрон почта орқали маълумотлар олиш ва маълумотлар базаси билан ишлаш малакаларига эга бўлиши керак.</li> </ul>
<p><b>Адабиётлар:</b></p> <p>1. А.А. Абдуқодиров, А.Г. Хайитов «Ахборот технологиялари», Тошкент “Ўқитувчи таъминоти”, Тошкент Меҳнат -2000 йил.</p> <p>2. А.Ахмедов, Н.Тайлақов “Информатика”, Тошкент, Ўзбекистон -2002й.</p> <p>3. А.Сатторов “Информатика ва ахборот технологиялари” Тошкент, Ўқитувчи-2003й</p> <p>4. Т.Холматов, Н. Тайлақов “Амалий математика, дастурлаш ва компьютернинг дастурий таъминоти”</p> <p>5. Шералиев Ф.А. “Информатика ва ахборот технологиялари” Термиз-2010.</p> <p><b>Электрон таълим ресурслари</b></p> <p><a href="http://www.edu.uz">http://www.edu.uz</a></p> <p><a href="http://www.pedagog.uz">http://www.pedagog.uz</a></p> <p><a href="http://www.tma.uz">www.tma.uz,</a></p> <p><a href="http://www.lex.uz">www.lex.uz</a></p> <p><a href="https://ru.pinterest.com/vkhamidov/">https://ru.pinterest.com/vkhamidov/</a></p>	

## 2.Модуль. Санитария-эпидемиологик тартиб меъёрлари

<b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b>	<b>6 кредит</b>
<b>Ўқув модули мазмуни:</b>	<p>Санитария эпидемиология соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар</p> <p>Инфекция ҳақида тушунча. Инфекцион назорат, мақсад ва вазифалари. Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси СанҚваМ 0342-17, СанҚваМ 0317-15 моҳияти ва унга амал қилиш.</p> <p>Юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш усуллари ва уларга амал қилиш йўллари таҳлил қилиш.</p> <p>Бирламчи-тиббий санитария ёрдами муассасаларида дезинфекция ишларини ташкил этиш.</p> <p>Дезинфекцияловчи воситаларга турғун штаммлар ҳосил бўлишини олдини олиш.</p> <p>Касалликлардан (COVID-19) ҳимояланиш тамойиллари. Ҳимоя кийимларини кийиш ва ечиш тартибини ўрганиш.</p> <p>Хонадон гигиенаси (дезинфекция, дезинсекция, дератизация) Аҳолига касалликларни олдини олиш бўйича патронаж хизматини кўрсатиш.</p>

<p><b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида инфекцияни олдини олишда СанҚваМларга риоя қилиш;</li> <li>• муолажалар вақтида авария ҳолатлари юзага келишини олдини олиш, авария ҳолатлари юзага келганда ўтказиладиган чора-тадбирлар йиғиндиси;</li> <li>• ўта хавфли ва карантин инфекцияларда эпидемияга қарши ўтказиладиган чора-тадбирларни.</li> </ul>
<p><b>Ўқув модули якунида бажара олиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида инфекцияни олдини олишда СанҚваМларга риоя қилишни. СанҚваМ бўйича жорий ва мукамал тозалашни.</li> <li>• қўлларни гигиеник ювиш усулларини.</li> <li>• ўта хавфли инфекцияларда химоя кийимини кийиш ва ечиш тартиби.</li> <li>• аварияли ҳолатлар юзага келишини олдини олиш, авария ҳолатлари юзага келганда ўтказиладиган чора-тадбирларни.</li> </ul>
<p><b>Адабиётлар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. СанҚваМ № 0342/17 - 10 январь 2017 йил</li> <li>2.Международные медико-санитарные правила (2005) второе издание ВОЗ</li> <li>3.“Эбола иситмаси” Ҳ.Б.Сапаров, Б.Ў.Ровшанов. Тошкент -2014</li> <li>4.“Инфекционные болезни с курсом ВИЧ инфекции и эпидемиологии” А.К. Белоусова, В.Н.Дунайцева Феникс – 2007</li> <li>5.“ВИЧ – инфекция” Под редакцией АН РУз Даминова.Т.А Ташкент – 2010.</li> <li>6. COVID-19 бўйича миллий қўлланма . ЖССТ. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги. 2020 йил 26 март</li> </ol>	

### **3 .Модуль. Бирламчи- тиббий санитария тизими муассасаларида патронаж дояси ишини ташкил этиш.**

<p><b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b></p>	<p><b>12 кредит</b></p>
<p><b>Ўқув модули мазмуни:</b></p>	<p>Патронаж янги моделининг анъанавийсидан фарқлари. Асосий тамойиллар.Тиббиёт бригадаларни таркиби, мақсади ва вазифалари Соғлиқни сақлаш тизимидаги меъёрий хужжатлар. Тиббий хужжатлар билан ишлаш.Патронаж хизматининг универсал-прогрессив моделини амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш ва унинг ижобий натижалари. Тиббий бригада доясининг функционал вазифалари.Самарали мулоқот кўникмалари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-ноябрдаги “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110 сонли Фармони, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-</p>

	<p>санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги 309- сонли,Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 9 декабрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва тиббий хизмат сифат самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш тўғрисида”ги 32- сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 апрелдаги“2022 — 2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сон қарори моҳияти.Тиббий ҳужжатлар билан ишлаш.Патронаж дояси иш фаолиятининг сифат мониторинги.</p>
<p><b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Патронаж хизматининг универсал-прогрессив модели схемасини;</li> <li>• БТСЁ муассасаларида оналар ва болаларга универсал-прогрессив модел бўйича хизмат кўрсатишни;</li> <li>• тиббий ҳужжатлар билан ишлашни;</li> <li>• патронаж доясининг хонадонларга ташрифини режалаштиришни;</li> <li>• патронаж дояси иш фаолиятининг сифат мониторингини юритишни;</li> <li>• патронаж хизматининг универсал-прогрессив моделини амалиётга муваффақиятли татбиқ этишни;</li> <li>• унинг ижобий натижаларини;</li> <li>• ўрта тиббиёт ходимининг этика ва деонтологиясини;</li> <li>• самарали мулоқот кўникмаларини.</li> </ul>
<p><b>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• патронаж хизматининг универсал-прогрессив модели асосида иш олиб боришни;</li> <li>• БТСЁ муассасаларида оналар ва болаларга универсал-прогрессив модел бўйича хизмат кўрсатишни;</li> <li>• патронаж хизматининг универсал модели бўйича ташрифларни режалаштириш, уюштириш ва ҳисобот шаклини юритишни;</li> <li>• самарали мулоқот кўникмаларини;</li> <li>• муайян касалликлар бўйича даврий скрининг текширувлари, такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати, мақсадли патронаж тизимини олиб боришни.</li> </ul>

**4-модуль. БТСЁ муассасаларида оналар ва болаларга универсал-прогрессив модели бўйича хизмат кўрсатиш.**

<p><b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b></p>	<p><b>30 кредит</b></p>
<p><b>Ўқув модули мазмуни:</b></p>	<p>Универсал прогрессив моделини амалиётга тадбиқ этиш. Тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг кўриқлар ва антропометрик ўлчовларни ўтказиш. Ўсмир қизларда ёшига хос хусусиятлари, физиологик ўзгаришлар. Нормал ҳайз цикли. Ўсмир қизлар гигиенаси. Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари. Никоҳдан аввалги тиббий кўриқни ўтказиш. Ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини аниқлаш, ёрдам бериш. Ҳомиладор аёл ва ҳомила физиологияси. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тиббий ҳужжатлар (ҳомиладор аёлнинг шахсий картасини, алмашинув варақасини патронаж варақаси)ни юритиш. Ҳомиладорлик белгилари. Ҳомиладорликни аниқлашнинг замонавий усуллари. Ҳомиладорликнинг I, II, III – триместрларида ҳомиладор аёл организмидаги ўзгаришлар. Ҳомиладорлик даври гигиенаси. Ҳомиладор аёлларнинг овқатланиши. Ҳомиладор аёлдаги психологик ва ижтимоий ўзгаришлар. Ҳомиладорлик депрессияси, депрессия аниқланганда ёрдам бериш. Ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгилар ва уларни аниқлаш. Хавфни камайтирувчи омиллар. Ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш, зарарли одатларнинг олдини олиш. Ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатиш. Аёлларни соғломлаштириш ва беҳатар туғруққа тайёрлаш учун кўрсатиладиган парвариш.</p>
<p><b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Патронаж хизматининг универсал-прогрессив моделини амалиётга тадбиқ этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив ёшдаги аёлларга ёрдам кўрсатиш тамойилларини;</li> <li>• тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни;</li> <li>• ўсмир қизларда ёшига хос хусусиятларни;</li> <li>• ўсмир қизлар гигиенасини;</li> <li>• ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини;</li> <li>• ҳомиладор аёлдаги психологик ва ижтимоий ўзгаришларни;</li> <li>• ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар беришни;</li> <li>• ҳомиладор аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хавфни камайтирувчи омилларни;</li> <li>• ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлаш, олдини олишни;</li> <li>• ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатишни;</li> <li>• бехатар оналик тамойилларини;</li> </ul>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• тиббий кўрик ва даврий кузатувлар, мақсадли скрининг кўриклар ва антропометрик ўлчовларни ўтказишни;</li> <li>• ҳомиладорликкача бўлган хавф омилларини аниқлаш ва ёрдам беришни;</li> <li>• ҳомиладор аёлга хавф омиллар тўғрисида маълумот беришни;</li> <li>• ҳомиладорлик даври гигиенаси ва овқатланиши бўйича маслаҳатлар беришни;</li> <li>• ҳомиладорлик депрессияси аниқланганда ёрдам беришни;</li> <li>• ҳомиладорликда зарарли одатлар хавфини аниқлашни;</li> <li>• ҳомиладор аёлнинг ижтимоий хавфларини аниқлаш ва хизмат кўрсатишни;</li> </ul>

### 5- Модуль. Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик тамойили

<b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b>	<b>18 кредит</b>
<b>Ўқув модули мазмуни:</b>	<p>Репродуктив давр. Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик масалалари. Репродуктив ҳуқуқ масалалари. Оилавий шифокор ёки акушер- гинеколог билан биргаликда ҳомиладор,туққан аёлни олиб бориш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқиш. Ҳомиладор аёлни даврий тиббий текширувларга тайёрлаш. Ҳомиладор аёлда тиббий текширувларни олиб бориш. Ҳомиладор аёлни туғруққа психопрофилактик тайёрлашни аҳамияти. “Оналар мактаби”ни ташкил қилиш ва унинг аҳамияти. “Оналар мактаби”да патронаж доясининг фаолияти. Соғлом турмуш тарзи тарғиботини олиб бориш ва патронаж ишларни ташкиллаштириш.Репродуктив ёшдаги аёлларга акушерлик (ҳамшира) ёрдамани кўсатиш.</p>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Соғлом оилани шакллантиришда репродуктив саломатлик ва бехатар оналик масалаларини;</li> <li>• бехатар оналик тамойилларини;</li> <li>• репродуктив ёшдаги аёлларни саломатлигини мустаҳкамлаш ва болалар саломалигини муҳофаза қилишда тиббий кўрикларнинг аҳамиятини;</li> <li>• ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш бўйича патронаж тизими самарадорлигини оширишни.</li> <li>• “Оналар мактаби”да патронаж доясининг фаолиятини.</li> </ul>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳомиладор аёлни даврий тиббий текширувларга тайёрлашни;</li> <li>• ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишни;</li> <li>• ҳомиладор аёлни туғруққа психопрофилактик тайёрлашни;</li> <li>• туғиш ёшидаги аёлларни парвариш қилишни;</li> <li>• патронаж доясининг “Оналар мактаби”да фаолият олиб боришни.</li> </ul>

**6-Модуль. Оила, чилла давридаги аёл ва янги туғилган чақалоқлар парвариши**

<b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b>	<b>18 кредит</b>
<b>Ўқув модули мазмуни:</b>	<p>Туғруқдан кейинги давр ҳақида маълумот. Тукқан аёлда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи белгилар. Кўкрак беzi, веноз тизими томонидан асоратлар. Геморроидал тугунлар, туғруқдан кейинги яра ва чоклар. Янги туғилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлаш. Чилла давридаги хавф солувчи белгилар аниқланганда ёрдам бериш. Истисносиз кўкрак сути билан эмизишнинг муаммоларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш. Кўкрак сутининг аҳамияти ва унинг афзалликлари. 6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизиш. Сут ҳосил бўлишидаги омиллар ва тўғри эмизиш қоидалари. Кўкрак сути билан озиклантиришда юзага келувчи муаммолар ва уларни бартараф этиш. Кўкрак сути билан боқишга моненьликлар. Кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чақалоқларни боқиш. Муайян мослашиш ёки кўшимча овқатлантиришни талаб қилувчи ҳолатлар. 6 ойгача бўлган болаларнинг овқатлантириш принциплари. Эркин эмизиш ва табиий овқатлантириш афзалликлари ва моненьликлар. Перинатал инфекцияларнинг чақалоққа таъсири, сабаблари, белгилари. Муддатдан олдин туғилган чақалоқларнинг терморегуляцияси. Иситиш ва овқатлантириш усуллари.</p>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Туғруқдан кейинги давр ҳақида маълумотни;</li> <li>• тукқан аёлда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи белгиларни;</li> <li>• янги туғилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлашни;</li> <li>• кўкрак сутининг аҳамияти ва унинг афзалликларини;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• сут ҳосил бўлишидаги омиллар ва тўғри эмизиш қоидаларини;</li> <li>• 6 ойгача бўлган болаларни кўкрак сути билан эмизишни;</li> <li>• кўкрак сути билан озиқлантиришда юзага келувчи муаммоларни ва уларни бартараф этишни;</li> <li>• кўкрак сути билан боқишга моненьликларни;</li> <li>• кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чақалоқларни боқиш усулларини;</li> <li>• мастит профилактикасини;</li> <li>• перинатал руҳий касаллик турлари ҳақида тушунчани;</li> <li>• туғруқдан кейинги психозга учраган оналарни мутахассисларга йўллашнинг аҳамиятини;</li> <li>• перинатал инфекцияларнинг чақалоққа таъсири, сабаблари, белгиларини;</li> <li>• муддатдан олдин туғилган чақалоқларни иситиш ва овқатлантириш усулларини.</li> </ul>
<p><b>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• янги туғилган чақалоқлар ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига хавф солувчи белгиларни аниқлашни;</li> <li>• гемorroидал тугунлар, туғруқдан кейинги яра ва чокларни парвариш қилишни;</li> <li>• тўғри эмизиш қоидаларини;</li> <li>• кўкрак сути билан озиқлантиришда юзага келувчи муаммолар ва уларни бартараф этишни;</li> <li>• кўкрак сутига моненьликлар бўлганда чақалоқларни боқиш усулларини;</li> <li>• муддатдан олдин туғилган чақалоқларни иситиш ва овқатлантиришни;</li> <li>• патронаж ишлари ва суҳбатлар олиб боришни;</li> <li>• турли таҳлиллар учун йўлланма ёзишни;</li> </ul>

## 7-Модуль. Замонавий контрацепция воситалари.

Ўқув модулига ажратилган кредит:	24 кредит
Ўқув модули мазмуни:	<p>Контрацепциянинг замонавий усуллари, турлари, қўлланилиши. Аёл ёшига қараб контрацепция усулларини танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш. Ўсмирлар контрацепцияси. Гормонал контрацепция, турлари. танлаш бўйича маслаҳат ўтказиш. Лактацион аменорея усули, афзалликлари. Тўсиқли ва кимёвий усулларни қўллаш. БИВ, турлари. БИВ қўйиш учун аёлни ва асбоб-анжомларни тайёрлаш. БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш. ИЖК усули бўйича маслаҳат олиб бориш. Замонавий контрацепция воситаларини қўллашда акушерканинг вазибалари, меъёрий ҳужжатларни юритиш.</p>
Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Замонавий контрацепция турларини, қўлланилишини;</li> <li>• аёл ёшига қараб контрацепция усулларини танлаш бўйича маслаҳат ўтказишни;</li> <li>• гормонал контрацепция, турларини, қўллашни;</li> <li>• лактацион аменорея усули, афзалликларини;</li> <li>• тўсиқли ва кимёвий усулларни аҳамиятини, қўлланилишини;</li> <li>• БИВ, турларини, БИВни қўйиш учун аёлни, асбоб-анжомларни тайёрлашни;</li> <li>• БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатишни;</li> <li>• ИЖК услуби бўйича маслаҳат олиб боришни;</li> <li>• аёлларни ИЖК га тайёрлашни;</li> <li>• меъёрий ҳужжатларни юритишни.</li> </ul>
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аёл ёшига қараб контрацепция усулларини танлашда маслаҳат олиб боришни;</li> <li>• гормонал контрацепция турлари ва қўлланилиши ҳақида маслаҳат олиб боришни;</li> <li>• БИВни қўйиш учун асбоб-анжомларни тайёрлашни;</li> <li>• БИВ қўйиш пайтида нохуш ҳолатлар пайдо бўлганда биринчи ёрдам кўрсатишни;</li> <li>• аёлларни ИЖК га тайёрлашни;</li> <li>• контрацепциянинг жарроҳлик усулидан сўнг беморлар парваришини;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• контрацепциядан фойдаланадиган, диспансер назоратида турадиган аёлларнинг карталарини юритишни;</li> </ul>
--	---

**8-Модуль. Аёл организмидаги ёшга хос ўзгаришлар ва акушерлик парваришини олиб бориш.**

<b>Ўқув модулига ажратилган кредит:</b>	<b>18 кредит</b>
<b>Ўқув модули мазмуни:</b>	<p>Аёллар жинсий аъзоларини яллиғланиш касалликлари, сабаблари, клиникаси. Аёллар жинсий аъзоларини яллиғланиш касалликларида маҳаллий даволаш усулларини ўтказиш. Носпецифик ва специфик инфекциялар. Аёл жинсий аъзолари касалликларида замонавий текшириш усуллари ва уларга аёлни тайёрлаш. Ҳайз фаолиятининг бузилиши, сабаблари. Ювенил кон кетиш, сабаблари. Аменорея турлари, келиб чиқиш сабаблари. Климактерик даврда аёл организмида рўй берадиган ўзгаришлар, аёлни парвариш қилиш. Аёл жинсий аъзолари рақ олди ва фон ҳолатлари. Аёллар жинсий аъзолари хавfli ва хавфсиз ўсма касалликларини эрта аниқлаш ва олдини олиш. Профилактик кўрикларни ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритиш.</p>
<b>Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аёл жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликларини олдини олишни;</li> <li>• жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақида тушунчани;</li> <li>• ҳайз фаолиятининг бузилиши, сабабларини;</li> <li>• климактерик ёшда аёл организмидаги ўзгаришларни.</li> <li>• аёллар жинсий аъзоларининг рақ олди ҳолатлари ва фон касалликларини;</li> <li>• аёл жинсий аъзоларининг хавфсиз ўсмалари ҳақида тушунчани;</li> <li>• аёл жинсий аъзоларининг хавfli ўсмалари ҳақидаги тушунчани;</li> <li>• профилактик кўрикларни ташкил этиш, тиббий ҳужжатларни юритишни.</li> </ul>

<p><b>Ўқув модули</b>  <b>яқунида</b>  <b>тингловчи базара</b>  <b>олиши лозим:</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Беморларни турли текширувларга руҳий тайёрлашни;</li> <li>• турли таҳлиллар учун йўлланма ёзишни;</li> <li>• климактерик ёшдаги аёллар парваришини.</li> <li>• диспансер гуруҳи беморлари хужжатларини олиб боришни;</li> <li>• аёлни кўкрак безини ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларига ўргатишни;</li> <li>• аёллар жинсий аъзолари хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини эрта аниқлаш ва олдини олишни;</li> <li>• профилактик кўрикларни ташкил этиш, тиббий хужжатларни юритишни.</li> </ul>
---	--

## 4.ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

**4.1. Ўқув базалари:** Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази, КТМП, ОП қошидаги ўқув базалари. Модуль буйича дарс олиб бориш учун назарий, амалий ва семинар дарслар ўтиладиган ўқув аудиториялари

**Амалиёт базаси:** Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази, ОП/КТМП қошидаги ўқув базалари.

**4.2. Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:**

Клиник амалий куникмаларни мустахкамлаш тренингукув хонаси муляж, фантом в.б жиҳозлар. Электрон доска, компьютер, проектор, доска, флешчат, маркер.

Модуллар бўйича тавсия қилинадиган ўқув услубий хужжатлар, тарқатма материаллар, назорат саволлари, қўшимча адабиётлар электрон нусхада сақланади

**4.3. Қонунчилик ва меъёрий – ҳуқуқий хужжатлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ПФ-4947-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги 6110-сонли “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017—2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сонли Қарори.

7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29.08.2015 г. № 251 «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения Республики Узбекистан на период 2015-2020 годы».

8. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти ҳамда аҳолига кўрсатилаётган патронаж хизматини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги № 309-сонли буйруғи.

#### **4.3.1 Адабиётлар рўйхати:**

1. Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж ҳамширалар ишини ташкил этиш. Ўқув қўлланма, Тошкент 2020 й.
2. Оналар ва болаларда хавф омилларини аниқлаш бўйича йўриқномалар ва бериладиган тавсиялар. Патронаж ҳамширалар учун чўнтак китобчаси. Тошкент 2020 й.
3. БТСЁ муассасалари учун ЖССТнинг юқумсиз касалликлар бўйича мослаштирилган клиник протоколлар. “Артериал гипертония ва қандли диабет бўйича мослаштирилган клиник протокол”. Ташкент, 2018.
4. А.В. Алимов ва ҳаммуаллифлар. Справочник врача общей практики 1-2 том. Ташкент 2016 г.
5. ЖССТНИНГ “Хавфсиз иммунизация” тиббиёт ходимлари учун қўлланма ЮНИСЕФ-2014й.
6. Стратегия в области физической активности для Европейского района ВОЗ, 2016-2025гг. ВОЗ, 2016.
7. План действий в области пищевых продуктов и питания на 2015-2020гг. ВОЗ, 2015.
8. Европейский план действий по сокращению вредного употребления алкоголя, 2012-2020гг. ВОЗ, 2013.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. “Оналарга болани овқатлантириш бўйича тавсиялар” Ўқув курси. Тошкент, 2009 й.
2. “Қиз болаларни ўсишини баҳолаш ва кузатиш ҳамда кўрсаткичларни боланинг ривожланиш тарихига киритиш” Ўқув курси. Тошкент, 2009 й.
3. “Кўкрак сути билан боқиш бўйича маслаҳат олиб бориш ўқув курси” ўқитувчилар учун қўлланма. Тошкент, 2007й
4. Кўкрак сути билан овқатлантириш амалиётини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш. (ЖССТ/ЮНИСЕФ ҳамкорликдаги декларацияси).
5. “Кўкрак сути билан боқиш бўйича маслаҳат олиб бориш” ўқув қўлланма. Хамширалар учун ўқув адабиёт 2012 йил

### 4.3.2. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.minzdrav.uz/>
2. <http://www.Qonber.uz/> -
3. [WWW.zarabotu.ru/med/](http://WWW.zarabotu.ru/med/)
4. [WWW.medn.ru](http://WWW.medn.ru)>фельдшер.
5. [WWW.medikal-enc.ru/med/](http://WWW.medikal-enc.ru/med/).
6. [www.medi.ru](http://www.medi.ru),
7. [www.medlinks.ru](http://www.medlinks.ru),
8. [http // www/ziyonet/](http://www/ziyonet/)
9. [http // stolica.uz](http://stolica.uz)
10. [http // ziyonet zn.uz](http://ziyonet.zn.uz)

## 5 .ЯКУНИЙ НАЗОРАТ-СИНОВ

**5.1.Якуний назоратга қўйиладиган талаблар:** модулни тўлиқ ўзлаштирган, дарсларга тўлиқ қатнашган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади.

Якуний аттестация Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020йил 15 июндаги 160-сонли буйруғи 3-иловасидаги «Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасаларида тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш тўғрисидаги Низом» га асосан ўтказилади.